

7 та олий таълим муассасаси талабалари ўртасидаги мусобақа

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 апрелдаги “2019 йилда олий таълим муассасалари талабалари республика олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 314 - сонли буйруғига асосан жорий йилнинг 17 - 18 май кунлари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида “Қишлоқ хўжалик машиналари” фанидан Республика фан олимпиадасининг иккинчи босқичи ўтказилди.

Ушбу олимпиадада мамлакатимизнинг 7 та олий таълим муассасаларидан талаба - ёшлар иштирок этишди.



Шулардан институтимизнинг “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети 4 - босқич 404 гуруҳ талабаси Турдибеков Акрам Рахматилла ўғли фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Турдибеков Акрам Рахматилла ўғли ва унинг раҳбари Исаков Алижон Абдумиталипович институт ректорининг фахрий ёрлиғи ҳамда совғалар билан тақдирланди.



“Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети Маънавий - маърифий ишлар буйича декан ўринбосари И.Рахимов ахбороти.

Институт Матбуот котиби Раҳимбой Жуманиезов.